

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“O‘zenergosotish” AJ
Ягона акциядорининг
2024 йил 29 ноябрдаги
9-сонли қарори билан**

**“O‘ZENERGOSOTISH” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ АУДИТ ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Тошкент - 2024 йил

МУНДАРИЖА

1.	Умумий қоидалар	3
2.	Аудит қўмитасининг ваколатлари	3
3.	Қўмитани ташқил этиш	5
4.	Қўмита йиғилиши	5
5.	Қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	7
6.	Қўмита ҳисоботи	8
7.	Қўмита фаолиятини таъминлаш	8
8.	Якуний қоидалар	8

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур “О‘зenergosotish” АЖ Кузатув кенгашининг “Аудит қўмитаси тўғрисида”ги Низом, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2006 йилдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги низом, “О‘зenergosotish” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият деб юритилади) Устави, Акциядорлик компаниялари самарадорлигини ошириш комиссиясининг 2016 йил 11 февралдаги мажлис баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”га мувофиқ ишлаб чиқилган ва Жамият Кузатув кенгашининг Аудит қўмитасининг (кейинги ўринларда - Қўмита деб юритилади) фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

1.2. Қўмита Кузатув кенгаши вазифаларининг самарали бажарилишини таъминловчи ёрдамчи орган ҳисобланади.

1.3. Қўмита амалдаги қонунчилик ҳужжатларига, Кузатув кенгашининг топшириқларига ва ушбу Низомга мувофиқ иш юритади.

1.4. Қўмита Жамиятнинг алоҳида органи бўлиб ҳисобланмайди ва Жамият номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга эмас. Қўмита ўз тавсияларини Кузатув кенгашига қарор қабул қилиш учун тақдим этади.

1.5. Қўмита ташкил этишдан мақсад Жамият Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи айрим масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ва Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш орқали Кузатув кенгаши фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини ошириш.

1.6. Қўмита ушбу Низомнинг 2.1.-бандида кўрсатилган масалалар бўйича Кузатув кенгаши аъзоларининг Жамият фаолияти юзасидан назоратни амалга оширишдаги бевосита иштирокини таъминлаш ва уларнинг шахсий хабардорлигини ўрнатишга кумаклашади.

1.7. Қўмита молиявий ҳисоботларни ва Ички аудит хизматини назорат қилади ҳамда молиявий ҳисобот амалиётининг тавсия этилган стандартларига риоя этилишини таъминлайди.

II. Аудит қўмитасининг ваколатлари

2.1. Қўмита ваколатига қуйидаги масалаларни дастлаб кўриб чиқиш ва улар бўйича Жамият Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш киради:

2.1.1. Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлари соҳасида:

- Жамият бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг тўлиқлиги, аниқлиги ва ишончилигини назорат қилиш;

- Жамият ҳисоб сиёсатининг муҳим жиҳатларини таҳлил қилиш;

- Жамиятнинг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларига алоқадор муҳим масалалар ва фикрларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

- Жамият самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (KPI) бўйича ҳисоботларни кўриб чиқишда иштирок этиш.

2.1.2. Ички ва ташқи аудитни ўтказиш соҳасида:

- ички аудит жараёнларини амалга оширишнинг мустақиллиги ва объективлигини таъминлаш;

- Жамият молия-хўжалик фаолияти учун ички аудит хизмати тизимини белгиловчи ички ҳужжатларни кўриб чиқиш, тасдиқланган ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш;

- ички аудит хизматининг йиллик иш режасини (текширишлар ва мониторинглар режасини) кўриб чиқиш, зарур ҳолларда унга тузатишлар киритиш (таҳрирлаш) ва унинг бажарилиши натижаларини кўриб чиқиш;

- ички аудит хизмати ходимларини тайинлаш (лавозимидан бўшатиш), уларга ҳақ тўлаш (ички аудит хизматини юритиш учун харажатлар сметалари) миқдори масалаларини кўриб чиқиш;

- ички аудит хизмати ходимлари сонини белгилаш масаласини кўриб чиқиш (зарур ҳолларда);

- ички аудит хизмати ходимларини ҳар йилги аттестациядан ўтказиш, аттестация учун намунавий саволлар рўйхатини ишлаб чиқиш;

- Жамият ички аудит хизматининг йиғма ҳисоботларини қонунчилик ва ички ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

- Жамият ташқи аудиторларида манфаатлар тўқнашуви йўқлигини, уларнинг мустақиллигини ҳамда ташқи аудиторликка номзодларни баҳолаш, уларни тасдиқлаш, четлатиш ҳамда уларнинг хизматлари учун ҳақ тўлаш ва жалб қилиш шартлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- аудиторлик текшируви натижаларини ва аудиторлик ҳисоботида келтирилган барча маълумотларни Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилгунга қадар мустақил аудитор билан олдиндан кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш;

- мустақил аудиторнинг тавсияларининг Жамият Ижро органи томонидан бажарилишини назорат қилиш.

2.1.3. Ички назорат ва ҳатарларни бошқариш соҳасида:

- манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсатининг амалга оширилишини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

- Жамиятнинг Ахборот сиёсатига риоя этилишини назорат қилиш.

2.1.5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави ва ички ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талаблари билан белгиланган вазифаларни ҳал этишга ва мақсадларга эришишга қаратилган бошқа масалалар.

III. Қўмитани ташкил этиш

3.1. Қўмитани ташкил этиш, Қўмита аъзолари ва раисини сайлаш, шунингдек, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш Кузатув кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

3.2. Қўмитанинг таркиби Кузатув кенгашининг қарори билан 3 (уч) кишидан кам бўлмаган миқдорда сайланади. Қўмита таркиби Кузатув кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин ва шунингдек Қўмитанинг ҳар қандай аъзосининг ваколатлари Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

3.3. Қўмита фаолиятини бошқариш учун Кузатув кенгаши томонидан Қўмита раиси сайланади. Қўмита раиси этиб Кузатув кенгашининг аъзоси сайланади. Қўмита раиси Жамият Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталари раиси этиб сайланиши мумкин эмас.

3.4. Қўмита раиси бўлмаган вақтда унинг барча вазифалари Қўмита аъзоларидан бири томонидан амалга оширилади.

3.5. Қўмита раиси ва аъзоларини сайлашда уларнинг маълумоти, касбий тайёргарлиги, Қўмита фаолияти соҳасидаги иш тажрибаси, шунингдек Қўмита аъзоларининг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган махсус билимлари ҳисобга олиниши лозим. Қўмитанинг барча аъзолари молия ва комплаенс соҳасида билимга эга бўлишлари ёки қўмитага тайинланганидан кейин муайян вақт ичида бундай билимларни эгаллаши лозим.

3.6. Қўмита аъзолари ушбу Низом шартларига мувофиқ Кузатув кенгашининг янги сайланган таркибининг биринчи мажлисигача бўлган муддатга сайланадилар.

3.7. Қўмита аъзоларига Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган, ҳамда Жамият акциядорлари умумий йиғилишида маъқулланган миқдор ва тартибларда ҳақ тўланиши ва/ёки ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланиши мумкин.

3.8. Қўмита аъзосининг ваколатлари Кузатув кенгаши қарори билан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

IV. Қўмита мажлислари ва уларни ўтказиш тартиби

4.1. Қўмитанинг қарори Қўмита аъзоларининг Қўмита мажлисида бевосита иштирок этиш (шу жумладан видеоконференция ёки конференция алоқаси орқали) ёки сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилиниши мумкин.

4.2. Қўмита мажлисларини ўтказиш учун кворум Қўмитанинг сайланган аъзолари сонининг камида 2/3 қисмини ташкил этади. Қўмита йиғилишидаги барча қарорлар унда иштирок этувчи Қўмита аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.2. Қўмитанинг янги таркиби тасдиқланган Кузатув кенгаши мажлисидан сўнг 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай ўтказиладиган Қўмитанинг биринчи

мажлисида Қўмита ўз иш режасини тасдиқлаши мумкин. Қўмитанинг иш режаси Қўмита томонидан Кузатув кенгашига ўз ваколатига тегишли тавсиялар тайёрлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда Кузатув кенгашининг иш режаси асосида тасдиқланади. Зарур ҳолларда Қўмита ўз иш режасига киритилмаган масалаларни ҳам кўриб чиқади.

4.3. Қўмитанинг мажлиси (шу жумладан сиртдан овоз бериш билан ҳам) Қўмита раисининг ташаббуси билан, Қўмита аъзосининг талабига кўра, Кузатув кенгаши мажлисининг чақирилишини талаб қилишга ҳақли бўлган органлар ва шахсларнинг талабига кўра, шунингдек Кузатув кенгашининг топшириғига кўра чақирилади.

4.4. Қўмита қарорларини қабул қилишда мажлисда қатнашаётган Қўмита аъзолари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикрларини овоз бериш йўли билан билдирадилар. Агар Қўмита аъзоси мажлисда шахсан иштирок эта олмаса, кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикрини ёзма тарзда тақдим этишга ҳақли.

4.5. Мажлисни ўтказиш учун кворумни белгилашда Қўмитанинг иштирок этмаётган аъзоларининг мажлис бошланиши вақтидан кечиктирмай тақдим этилган ёзма фикрлари ҳисобга олинади.

4.6. Мажлисда (шу жумладан сиртдан овоз беришда) Қўмитанинг баённомаси юритилади.

4.7. Қўмита мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан кейин 3 (уч) кундан кечиктирмай тузилади.

4.8. Мажлис баённомаси Қўмитанинг мажлисда иштирок этувчи барча аъзолари томонидан имзоланади.

4.9. Жамият Кузатув кенгашига тавсиялар бўйича қарорлар қабул қилинган Қўмита мажлислари баённомаларининг нусхалари (баённомалардан кўчирма) Кузатув кенгаши кун тартибида Қўмитанинг тавсияси талаб қилинган масала бўлган мажлиси учун материалларнинг бир қисми сифатида Кузатув кенгаши аъзоларига юборилиши керак.

4.10. Жамият Бошқаруви учун таклифлар ишлаб чиқилган Қўмита мажлислари баённомаларининг нусхалари (баённомалардан кўчирма) Жамият Бошқарув раисига юборилиши лозим.

4.11. Қўмита раисининг розилиги билан Қўмита мажлисларига Қўмита аъзоси бўлмаган шахслар ҳам таклиф этилиши мумкин.

4.12. Қўмита мажлисида муайян масалани кўриб чиқишда Қўмита аъзоси манфаатларининг тўқнашуви ҳақидаги ҳар қандай маълумот Қўмита мажлисидан олдин ошкор этилиши ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши эътиборига етказилиши лозим.

4.13. Қўмита ваколатининг муайян масаласини батафсил ўрганиш ва бундай ўрганиш натижасида эришилган хулосаларни Қўмита мажлисида маълум қилишга Қўмитанинг ҳар қандай аъзосига ваколат берилиши мумкин.

4.14. Жамиятнинг Ички аудит хизмати бошлиғи Қўмита котиби ҳисобланади.

4.15. Қўмита котиби:

- Қўмитанинг йиғилиши баённомаларини юритади ва тузади;

- Қўмита йиғилишларига тайёргарликни (йиғилиш учун материалларни йиғади ва тизимлаштиради, Қўмита аъзолари ва таклиф этилган шахсларга Қўмита йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарномани ўз вақтида юборади, йиғилиш кун тартибини, кун тартибига кирувчи масалалар бўйича маълумотларни тайёрлайди, Қўмита қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, шунингдек, барча тегишли материаллар сақланишини таъминлайди) амалга оширади;

- Қўмита фаолиятини ташкилий ва ахборот билан қўллаб-қувватлашни, Қўмита аъзоларининг Кузатув кенгаши ва Жамият мансабдор шахслари билан ўзаро ҳамкорлиги ва тезкор ишлашини таъминлайди.

V. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Қўмита аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият Ижро органидан Қўмита ваколати масалаларига оид маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш;

- Қўмита мажлиси кун тартибидаги масалалар ва қабул қилинган қарорлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини Қўмита мажлиси баённомаларига киритишларини талаб қилиш;

- ушбу Низомда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

5.2. Қўмита аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагича:

- Қўмита мажлислари кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш йўли билан Қўмита қарорларини қабул қилишда иштирок этиш;

- Қўмита мажлиси учун ва мажлис давомида тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш;

- Қўмита аъзосининг ўз вазифаларини бажариши чоғида унга маълум бўлган Жамиятнинг фаолиятига оид бироқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ёки Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши чеклаб қўйилган маълумотларни ошкор қилмаслик;

- Қўмита мақсадларига зид келувчи ёки унинг аъзолари малакасига шубҳа ўйғотувчи ҳатти-ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик;

- ўз вазифаларини амалга оширишда Жамиятнинг манфаатлари йўлида оқилона, яхши ниятда ҳаракат қилиш;

- қарор қабул қилишда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ҳақида дарҳол Қўмитага хабар бериш;

ушбу Низомда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажариш.

VI. Қўмита ҳисоботлари

6.1. Жамият Кузатув кенгашининг Аудит қўмитаси кўриб чиқилган масалалар ва қабул килинган қарорлар (тавсиялар) бўйича ҳисоботни ҳар йили Кузатув кенгашига маълумот сифатида тақдим этади.

6.2. Ушбу ҳисобот Қўмитанинг фаолиятини тавсифловчи алоҳида бўлим сифатида Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботида акс эттирилади.

VII. Қўмита фаолиятини таъминлаш

7.1. Қўмита фаолияти билан боғлиқ харажатлар Жамият томонидан амалга оширилади. Қўмита аъзоларига ўз вазифаларини бажарганлиги учун акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори асосида йиллик ҳақ тўланиши мумкин.

7.2. Қўмита ишига ташқи экспертлар (мутахассислар, ташкилотлар) жалб этилиши мумкин. Ташқи экспертларни жалб қилиш зарурлиги тўғрисидаги қарор Қўмита мажлисида қабул қилинади.

7.3. Ташқи экспертлар пулли асосда, улар бўйича тегишли харажатлар Жамият бизнес режасида кўзда тутилган ҳолда режалаштирилган бўлса, тегишли шартномалар тузиш йўли билан жалб қилинади.

VIII. Якуний қоидалар

8.1. Мазкур Низом ва унга киритиладиган барча ўзгартиришлар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади ва шу кундан бошлаб кучга киради ҳамда Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштирилади ва уларга эркин кириш таъминланади.

8.2. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.